

"Эрасмус+ NICOPA лойиҳаси"



With the support of the
Erasmus+ Programme
of the European Union



Лойиҳанинг рақами (агар мавжуд бўлса): «597985-EPP-1-2018-1-KZ-EPPKA2-SBHE-JP»

Ариза берувчи ташкилот: Сейфуллин Қозоқ Агротехника университети

Мақсад: янги технологиялар (географик ахборот тизими (ГАТ), катта маълумотлар, масофадан зондлаш) ёрдамида аниқ (рақамли) қишлоқ хўжалигида ўқув дастурларини модернизация қилиш

Лойиҳанинг Вазифалари:

- Муаммони ва ишни таҳлил қилиш орқали аниқ (рақамли) қишлоқ хўжалигида таълим эҳтиёжларини таҳлил қилиш ва жорий ўқув дастурларини кўриб чиқиш.
- Аниқ қишлоқ хўжалиги бўйича жорий ўқув дастурларини янгилаш.
- Европа кредит трансфер тизими (ЕКТТ) ни ўз ичига олган ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва аккредитациядан ўтказиш.

Лойиҳадан кутилаётган натижалар:

- Ҳозирги аниқ (рақамли) қишлоқ хўжалигига оид ўқув дастурларини таҳлил қилиш йўли билан ўрганиш.
- Янги таълим технологияларидан фойдаланишни ўз ичига олган бакалавриатура ва магистратура ўқув режалари учун ўқитиш стратегияси ва қўлланмаси тўғрисидаги келишув.
- Инновацион ўқитиш воситаларини ўз ичига оладиган янги бошланғич ўқув режалари ва трансферли модуллар тўплами.
- Бологна талабларига ва янги ишланмаларга мувофиқ аниқ (рақамли) қишлоқ хўжалигидаги жорий икки давр ўқув режа ва дастурларини янгилаш.
- ЕКТТни ўз ичига олган ишлаб чиқилган, жорий этилган ва аккредитацияланган янги амалиётга йўналтирилган, талабага йўналтирилган ва трансферли ўқув дастурлари.

Ҳамкор давлат олий таълим муассасаларини меҳнат бозорига яқинлаштириш. Инновацион ўқув жиҳозлари билан бир қаторда: янги жиҳозланган PAL лабораторияси, VCR хонаси, аниқ (рақамли) қишлоқ хўжалиги маълумотларидан фойдаланувчи PASO хизмат кўрсатиш бўлими. Олий таълим учун Европа модернизациялаш масалаларини эътиборга олган ҳолда мазмунга, келишилган структурага, янги ўқитиш стратегиясига ва янги таълим технологияларидан фойдаланишга йўналтирилган бўлиши умуман олганда кўзда тутилган таъсирга айланади.

Лойиҳа давомида кутилаётган тадбирлар режаси:

- таълим эҳтиёжлари бўйича мавжуд ўқув дастурларини таҳлил қилиш ва янгилаш.
- соҳадаги янги ютуқлар, меҳнат бозори талаблари ва Болония жараёни бўйича янги сертификатланган ўқув дастурларини ишлаб чиқиш.

Амалга ошириш даври: 15.11.2018 - 14.11.2021 йй.

Тақдим этилган грант миқдори: 999 847 Евро, шу жумладан ТИҚХММИга 68 604 Евро

NICOPA консорциумини 16 ҳамкор ташкилот ташкил этади. Ҳамкорларнинг тажриба, кўникмалари ва ишбилармонликлари лойиҳанинг муваффақиятли амалга оширилишига асос бўлади.

Лойиҳанинг ҳамкорлари:

Ҳамкор	Ташкилот номи	Акроним	Шаҳар / Мамлакат
P1	Сакен Сейфуллин номидаги Қозоғистон агротехника университети	КазАТУ (Координатор)	Остана / Қозоғистон
P2	Берлин техника университети	TUB	Берлин/Германия
P3	Пловдив қишлоқ хўжалик университети	AU	Пловдив, Болгария
P4	Чехия агротехника университети	ČZU	Прага, Чехия
P5	Космик технологиларни бошқариш ва инженеринг консалтинг бюроси (ECM space technologies GmbH)	ECM	Берлин/Германия
P6	Шокана Уалиханова номидаги Кокчетов давлат университети	КДУ	Кокчетов / Қозоғистон
P7	М. Козыбаев номидаги Шимолий Қозоғистон давлат университети	ШҚДУ	Петропавловск / Қозоғистон
P8	С. А. Ниязов номидаги Туркманистон қишлоқ хўжалиги университети	ТҚХУ	Ашхобод / Туркманистон
P9	Туркманистон давлат архитектура-қурилиш институти	ТДАҚИ	Ашхобод / Туркманистон
P10	Туркманистон қишлоқ хўжалиги институти	ТҚХИ	Дашовуз / Туркманистон
P11	Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети	ЎЗМУ	Тошкент / Ўзбекистон
P12	Мухаммад аль-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети	TATU	Тошкент / Ўзбекистон
P13	Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти	ТИҚХММИ	Тошкент / Ўзбекистон
P14	Илм ва фан вазирлиги		Остана / Қозоғистон
P15	Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси		Тошкент / Ўзбекистон
P16	Туркманистон таълим вазирлиги		Ашхобод / Туркманистон


Лойиҳанинг ТИҚХММИдаги координатори: Илхом Абдурахманов, “Ердан фойдаланиш”

кафедраси “Геоинформатика” ихтисослиги таянч докторанти

- телефон: +998712371909 (иш); +998977703311 (мобил)

- email: ilhom.isakovich@gmail.com

Лойиҳанинг органиграммаси:



Қўшимча маълумотни [ушбу ҳаволадан](#) олишингиз мумкин.